

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 7

Тошкент шаҳри

21 июль 2022 йил.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Юнусобод тумани МТБ номидан Низом асосида Н.А.Ахмедова бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «SODIQ QURILISH FAYZ» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи С.Рахмонов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра 163 – сонли мактабгача таълим ташкилотининг 6 дона 8*4 бўлган болалар майдончасини куриш учун.

Буюртмачи эса Пудратчига курилиш таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томондан бажариладиган тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда

Шартнома умумий суммаси 219 000 000, 0 (Икки юз ўн тўққиз миллион) сўм ҚҚС билан ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш (таъмирлаш) қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томондан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши (таъмирланиши) бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

4. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

курилиш (таъмирлаш) майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

курилиш (таъмирлаш) майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш (таъмирлаш) майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш (таъмирлаш) майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш (таъмирлаш) майдонини объект қурилиши (таъмирланиши) ва қурилиш (таъмирлаш) тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

10. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида, аванс ўтказди, бу 65 700 000.0 (Олтмиш беш миллион етти юз минг) сўм ҚҚС билан ташкил этади.

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 70 фоизи миқдоридаги 153 300 000.0 (Бир юз эллик уч миллион уч юз минг) сўм ҚҚС билан маблағни 10 банк иш кунида ўтказиб беради.

13. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

14. Буюртмачи қурилиш (таъмирлаш) майдонида ўз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

15. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

16. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш (таъмирлаш) майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

17. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

18. Қурилиш (таъмирлаш) майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

19. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш (таъмирлаш) тугаллангунгача ва қурилиши (таъмири) тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш (таъмирлаш) майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

20. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

21. Агар энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

22. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Х. ҚУРИЛИШИ (ТАЪМИРИ) ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

23. Қурилиши (таъмири) тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши (таъмири) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

24. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

25. Пудратчи қурилиши (таъмири) тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

26. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

ХI. КАФОЛАТЛАР

27. Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш (таъмирлаш) учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

28. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши (таъмири) тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 3 ой этиб белгиланади.

29. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

30. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

ХII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

31. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилиш (таъмирлаш)нинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

32. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш (таъмирлаш) бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

34. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

35. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

36. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

37. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Зангиота туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ.

38. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

39. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

40. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг жироия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.



XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

41. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

42. Пудратчи қурилиш (таъмирлаш) объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

43. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

44. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

45. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш (таъмирлаш) майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш (таъмирлаш) майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

46. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

48. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

48. Шартномани томонлар имзолангандан сўнг юридик кучга эга бўлади ва 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюртмачи:

Пудратчи:

«SODIQ QURILISH FAYZ» МЧЖ

Манзил: Юнусобод тумани МТБ
Юнусобод Тел:
№/с 100 022 880 262 667 091 100 251 001
Х/р: 305 145 338 ОКЭД 64112 МФО 00014
Банк номи: Модия Вазирлиги Газначилиги
МФО: 2000 2000 0000 1010 СТИР:
ОКОНХ: 201 122 919 МФО 00014 Тел:
4017 2286 0262 667 091 100 251 001

М.П.



И.А.Ахмедова

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани,
Нуробод МФЙ, М.Улуғбек 6-уй .
х/р: 2020 8000 1006 0295 0001
Банк номи: “Капиталбанк” Чорсу филиали
МФО: 01033, СТИР: 303 874 144
ОКЭД: 41202
НДС код: 326100031075
Тел: +998 90 168 54 41

Директор:



С.Рахмонов

М.П.

PDF

Scanned with
MOBILE SCANNER

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 120424 на приобретение 163 МТТ га 6 дона боллар майдончасини куриш

Способ проведения электронный

Дата 18.07.2022

Время рассмотрения 18.07.2022 16:29

Конкурсная комиссия Юнусобод тумани Мактабгача таълими булими (МБ), (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	AHMEDOVA NIGORA AKRAMOVNA	Бўлим мудир	Юнусобод тумани МТБ
Секретарь комиссии	YUSUPOV SANJARBEK SHODMONOVICH	Хўжалик мудир	Юнусобод тумани МТБ
Член комиссии	ELIBEKOV BOBUR BAXROM O'G'LI	Давлат харидлари буйича ҳисобчи	Юнусобод тумани МТБ
Член комиссии	ABDIRASHIDOV ELYOR ISKANDAR O'G'LI	Бош ҳисобчи ўринбосари	Юнусобод тумани МТБ
Член комиссии	PULATOV DONIYOR ULMAS O'G'LI	Эксплуатация бўлими бошлиғи	Юнусобод тумани МТБ
Член комиссии	RAXMONOV ABROR ABDUSATTAROVICH	Бош иқтисодчи	Юнусобод тумани МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.07.2022 года № лота 120424.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по текущему ремонту детских площадок
Подробное описание	Услуги по текущему ремонту детских площадок (6 дона 8*4 булган болалар майдончасини куриш) 163 МТТ
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	220 500 000.00
Стартовая сумма	220 500 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 карупсияга йўл қўймаслик ҳақида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: карупсияга йўл қўймаслик ҳақида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	10	карупсиёга йўл қўймаслик ҳақида маълумотнома	5	Экспертная		
ООО AZIA STARS SHOP	10	карупсиёга йўл қўймаслик ҳақида маълумотнома	5	Экспертная		
ООО OLMOSBEK ELITA	10	Иловада барчаси келтирилган	5	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	10	Бажарилди	10	Экспертная		

Критерий №2 Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздор булмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздор булмаслиги (Банк, ДСИ ва коммунал туловлардан тасдиқланган холда)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	10	малумот юкланди	8	Экспертная		
ООО AZIA STARS SHOP	10	Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздор булмаслиги	5	Экспертная		
ООО OLMOSBEK ELITA	10	Иловада барчаси келтирилган	10	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	10	Бажарилди	5	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: молиявий натижа ва баланслардан копия тақдим қилинган

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	10	молиявий кўрсаткичлар	10	Экспертная		
ООО AZIA STARS SHOP	10	молиявий кўрсаткичлари	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ООО OLMOSBEK ELITA	10	Иловада барчаси келтирилган	8	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION	10	Бажарилди	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PROJECT						

Критерий №4 ходимлар ҳақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ходимлар сони камида 15 та булиши шарт, малакаси, меҳнат дафтарчасидан копия, диплом копиялари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	10	ходимлар ҳақида маълумот	10	Экспертная		
ООО AZIA STARS SHOP	10	ходимлар ҳақида маълумот	2	Экспертная		
ООО OLMOSBEK ELITA	10	Иловада барчаси келтирилган	10	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	10	Бажарилди	10	Экспертная		

Критерий №5 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: ишни бажарилиши туғрисида ва канча муддатда бажарилиши туғрисида кафолат хати тасдиқланган булиши шарт(Зарур)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	10	Кафолат хати	10	Экспертная		
ООО AZIA STARS SHOP	10	Кафолат хати	5	Экспертная		
ООО OLMOSBEK ELITA	10	Иловада барчаси келтирилган	5	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	10	кафолат хати	5	Экспертная		

Критерий №6 Иш стажи

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи курилиш соҳасида камида 5 йилдан кам булмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	5	Иш тажрибаси 6 йил	5	Экспертная		
ООО AZIA STARS SHOP	5	Иш стажи	3	Экспертная		
ООО OLMOSBEK ELITA	5	Иловада барчаси келтирилган	3	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	5	Бажарилди	2	Экспертная		

Критерий №7 Объектни ўрганганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни ўрганганлиги тўғрисида маълумот , объектнинг режаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	10	Объектни ўрганганлиги тўғрисида маълумот	10	Экспертная		
ООО AZIA STARS SHOP	10	Объектни ўрганганлиги тўғрисида маълумот	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ООО OLMOSBEK ELITA	10	Иловада барчаси келтирилган	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	10	Бажарилди	2	Экспертная		

Критерий №8 Техника таъминоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Техника таъминотини курсатиш шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	10	Техника таъминоти	10	Экспертная		
ООО AZIA STARS SHOP	10	Техника таъминоти	5	Экспертная		
ООО OLMOSBEK ELITA	10	Иловада барчаси келтирилган	5	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION	10	Бажарилди	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PROJECT						

Критерий №9 танлов бюртмасини таминлаш кафолати

Тип: Текстовое значение

Описание: банк хатида кўрсатилган (ҳисоб рақами активлиги ҳақида, картотека мавжуд емаслиги, ҳисоб рақамидаги маблағ ҳақида)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	10	малумот юкланди	5	Экспертная		
OOO AZIA STARS SHOP	10	картотека мавжуд емаслиги	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
OOO OLMOSBEK ELITA	10	Иловада барчаси келтирилган	10	Экспертная		
OOO EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	10	Банкдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома	10	Экспертная		

Критерий №10 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: корхона гувоҳномаси, НДС гувоҳномаси, раҳбар паспорт нусхаси, уставдан копия, корхона ишчилари сони

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	15	барча малумотлар юкланди	12	Экспертная		
OOO AZIA STARS SHOP	15	барча малумотлар юкланди	10	Экспертная		
OOO OLMOSBEK ELITA	15	Иловада барчаси келтирилган	12	Экспертная		
OOO EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	15	Бажарилди	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование	Стартовая	Предлагаемая	Сумма с	Применение	Общее	Дата	Оценка
--------------	-----------	--------------	---------	------------	-------	------	--------

участника	сумма	сумма	учетом конвертации (UZS)	преференции	значение (UZS)	предложения	стоимости (балл)
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	220 500 000.00	213 500 000.00 UZS	213 500 000.00	00.00	213 500 000.00	16.07.2022 11:19:57	00.00
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	220 500 000.00	219 000 000.00 UZS	219 000 000.00	00.00	219 000 000.00	14.07.2022 02:38:19	00.00

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО AZIA STARS SHOP	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	74	0	74
SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ	85	0	85
ООО OLMOSBEK ELITA	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 120424 от 18.07.2022 года на приобретение 163 МТТ га 6 дона боллар майдончасини куриш определила победителем:

SODIQ QURILISH FAYZ MCHJ
303874144

и резервный исполнитель: ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT (303171688)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	PULATOV DONIYOR ULMAS O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	RAHMONOV ABROR ABDUSATTAROVICH	Согласен	
Председатель комиссии	AXMEDOVA NIGORA AKRAMOVNA	Согласен	
Член комиссии	ELIBEKOV BOBUR BAXROM O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ABDIRASHIDOV ELYOR ISKANDAR O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСЛИКЛАЙМАН"
Юнусобод тумани МТБ мудир

Н.А.Ахмедова



Юнусобод тумани Мақтабгача таълим бўлими хом ашё, материаллар, бутловчи бўғимлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озик-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни харид қилиш ва хизматларни амалга ошириш бўйича ташкилотлар томонидан келиб тушган оғ яхши таклифларни саралаб олиш бўйича ўтказилган танлаш баённомасига билдирилган эътирозларни қуриб чиқиш тўғрисидаги комиссия йиғилиши
БАЁННОМАСИ № 15

" 21 " Июль 2022 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар

Хайъат раиси: МТБ мудир

Н.А.Ахмедова

Хайъат аъзолари:

ЮТМТБ бош иктисодчиси

А.А.Рахмонов

ЮТМТБ Эксплуатация булим бошлиғи

Д.Ў.Пўлатов

ЮТМТБ бош ҳисобчи ўринбосари

Э.И.Абдурашидов

ЮТМТБ ДХ ва ШБ ҳисобчи

Б.Б.Элибеков

КУН ТАРТИБИ

Юнусобод тумани мақтабгача таълим бўлимининг опен бюджет маблағлари ҳисобидан 163 – сонли мақтабгача таълим ташкилотининг 6 донга 8*4 бўлган болалар майдончасини қуриш бўйича 18.07.2022 йил 22110012120424-лот бўйича 219 000 000 сўм қийматдаги элоннинг якуилари бўйича 18.07.2022 йилда №120424-сон электрон баённома расмийлаштирилиб Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида" ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сон қонунининг 62 моддаси 3 бандига асосан икки иш қунига муҳокамага қўйилган эди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда.Хайъат.

ҚАРОР ҚИЛДИ:

2022 йил 21 июль қунига қадар 22110012120424-лот бўйича таклиф берган иштирокчилар томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича этирозлар келиб тушмаганлиги боис, бўлим харид комиссиясининг баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида" ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сон қонунининг 62 моддаси 4 бандига асосан "SODIQ QURILISH FAYZ" МЧЖ ташкилоти томонидан 219 000 000 сўм қийматда берилган таклиф енг яхши таклиф деб топилгани муносабати билан Юнусобод тумани МТБ ҳамда "SODIQ QURILISH FAYZ" МЧЖ ўртасида ўрнатилган тартибда 219 000 000 сўмга 2 нусхада ҚҚС билан шартнома имзолашга қарор қилинди.

Хайъат раиси: МТБ мудир

Н.А.Ахмедова

Хайъат аъзолари:

ЮТМТБ бош иктисодчиси

А.А.Рахмонов

ЮТМТБ Эксплуатация булим бошлиғи

Д.Ў.Пўлатов

ЮТМТБ бош ҳисобчи ўринбосари

Э.И.Абдурашидов

ЮТМТБ ДХ ва ШБ ҳисобчи

Б.Б.Элибеков



Scanned with

MOBILE SCANNER



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
TOSHKENT SHAHRI ADLIYA BOSHQARMASI
YUNUSOBOD TUMAN YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI**

100039, Yunusobod tumani, Bog‘ishamol ko‘chasi, 8A-uy,
tel.: (998 97) 325-65-47, el.pochta: yunusobodyurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 21-iyul

**Yunusobod tuman
Maktabgacha ta’lim bo‘limi**

**Yunusobod tuman Maktabgacha ta’lim bo‘limi bilan “Sodiq qurilish fayz”
MCHJ o‘rtasida 7-sonli “Pudrat shartnomasi to‘g‘risida”gi shartnoma
loyihasi yuzasidan o‘tkazilgan huquqiy ekspertiza natijasi bo‘yicha**

X U L O S A

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi “Davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko‘rsatish faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-5168-son Qarori bilan tasdiqlangan “Yuridik xizmat ko‘rsatish markazlari to‘g‘risida”gi Nizomga muvofiq mazkur shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o‘tkazilganda quyidagilar

A N I Q L A N D I :

Yunusobod tuman Maktabgacha ta’lim bo‘lim tomonidan taqdim etilgan shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 631-655-moddalari, O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonuniga asosan taqdim etilgan shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalari bo‘yicha

X U L O S A Q I L I N D I :

Yunusobod tuman Maktabgacha ta’lim bo‘limi bilan “Sodiq qurilish fayz” MCHJ o‘rtasida 7-sonli “Pudrat shartnomasi to‘g‘risida”gi shartnoma loyihasi qonun hujjatlar talablariga muvofiq ishlab chiqilganligi va qonunchilik texnikasi qoidalari talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

**Yunusobod tuman
Yuridik xizmat ko‘rsatish
Bosh yuriskonsulti**



S.Savriddinov

Scanned with
MOBILE SCANNER



Yuziqa shaxs (shaxsning subyekti) davlat to'lovchidan o'tuvchi to'lovni to'lash haqida
GUVOHNOMA

Ushbu GUVOHNOMA shaxsning to'lovchisi sifatida davlat to'lovchisi bo'lganligini tasdiqlaydi.
"SODIQ QURBILISH FANZ" MABRURIY SHAKLIDAGI SHAKLIDAGAN JAMOIYAT

Ushbu GUVOHNOMA "SODIQ QURBILISH FANZ" MABRURIY SHAKLIDAGAN JAMOIYAT tomonidan berilgan.

Tasdiqlash vaqtida (yuziqa to'lovchi shaxs) to'lovchisi sifatida to'lovchisi bo'lganligini tasdiqlaydi.
29.05.2024 12:00:00 shaxsning to'lovchisi bo'lganligini tasdiqlaydi.

Shaxsning to'lovchisi bo'lganligini tasdiqlaydi.
Sodiq Qurbilish Fanzi Jamoiasi (SIFJ) 2024.05.29

Tasdiqlash vaqtida (yuziqa to'lovchi shaxs) to'lovchisi sifatida to'lovchisi bo'lganligini tasdiqlaydi.
Sodiq Qurbilish Fanzi Jamoiasi (SIFJ) 2024.05.29

Tasdiqlash vaqtida (yuziqa to'lovchi shaxs) to'lovchisi sifatida to'lovchisi bo'lganligini tasdiqlaydi.
Sodiq Qurbilish Fanzi Jamoiasi (SIFJ) 2024.05.29

Tasdiqlash vaqtida (yuziqa to'lovchi shaxs) to'lovchisi sifatida to'lovchisi bo'lganligini tasdiqlaydi.
Sodiq Qurbilish Fanzi Jamoiasi (SIFJ) 2024.05.29

